



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Зарафшон шаҳар Халқ Таълими Бўлими
Харид комиссиясининг раиси

З.Ж.Рахимов
2022 йил

ЗАРАФШОН ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ
12-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ ТАЪМИРТАЛАБ
АҲВОЛГА КЕЛГАН ҲОЖАТХОНАЛАРИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ
ТИЗИМИНИ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ЛОЙИҲА СМЕТА
ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Зарафшон шаҳар - 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: Зарафшон шаҳар Халқ Таълими Бўлимига қарашли 12-умумий ўрта таълим мактабининг таъмирталаб аҳволга келган ҳожатхоналари ва канализация тизимини таъмирлаш ишларига лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш .

1.2.Танловнинг юқори қиймати– 8 730 000 (Саккиз миллион етти юз уттиз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Зарафшон шаҳар Халқ Таълими Бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Зарафшон шаар 12 кичик туман “Гиолик” МФЙ

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Зарафшон шаҳар Халқ Таълими Бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома"
- 6822-Конун 22-моддатига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника руйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти сугурталанганилиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йуриқномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Шу соҳада олдин қилинган ишлари бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов ҳужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

4.3.Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Танлов талаблари бўйича зарур ҳужжатлар бириктирилади.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битти таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Зарафшон шаҳар Халқ
Таълими Бўлими мудир

З.Ж.Рахимов

“ ” 2022 йил

**Зарафшон шаҳар Халқ Таълими Бўлимига қарашли 12-умумий ўрта
таълим мактабининг таъмирталаб аҳволга келган ҳожатхоналари ва
канализация тизимини таъмирлаш ишлари лойиҳа смета хужжатларини
тайёрлаш учун
ЛОЙИҲА ТОПШИРИҚ**

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талабларнинг мазмуни
1	Буюртмачи	Зарафшон шаҳар Халқ Таълими Бўлими
2	Лойиҳани амалга ошириш учун асос	2022 йил харажатлар сметаси доирасида ажратилган маблағлари ҳисобидан
3	Молиялаштириш манбаи	Маҳаллий бюджет ҳисобидан
4	Объектнинг тахминий қиймати	300.0 млн сўм
5	Лойиҳа-смета суммаси	8 730 000 сўм
6	Лойиҳа ташкилоти(Бош лойиҳачи) номи	Танлов асосида
7	Хавсизлик ишлари шартлари	Норматив хужжатлар талабларига риоя қилиш. Объектда ёнғин хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва санитария-гигиена режимига риоя қилиш учун жавобгарлик пудратчига тегишли бўлиб, жавобгарлик буйруқ билан белгиланади, буйруқ нусхаси буюртмачига берилади. Пудратчи шартнома имзолангунга қадар шартнома шартлари бўйича ишларни бажаришда қурилиш таваккалчилигини суғурталаш шартномасини тузиши ва буюртмачига шартноманинг нусхасини тўловни тасдиқловчи хужжат билан тақдим этиши шарт.
8	Лойиҳалаштирилаётган объектнинг таркиби	Зарафшон шаҳар Халқ Таълими Бўлимига қарашли 12-умумий ўрта таълим мактабининг таъмирталаб аҳволга келган ҳожатхоналари ва канализация тизимини таъмирлаш ишларига лойиҳа хужжатларини тайёрлаш
9	Қабул қилинаётган қарорларнинг энергия самарадорлигини таъминлаш бўйича таъаблар	Лойиҳаланаётган объектда энергия тежамкор ускуналардан фойдаланишни кўзда тутиш
10	Қурилиш мураккаблиги тоифаси	Объектнинг мураккаблик даражасини кўрсатиш зарур
11	Назорат талаблари ва иш натижаларини топшириш тартиби	Зарафшон шаҳар Халқ Таълими Бўлимига қарашли 12-умумий ўрта таълим мактабининг таъмирталаб аҳволга келган ҳожатхоналари ва канализация тизимини таъмирлаш ишларига лойиҳа хужжатларини тайёрлаш. Қурилиш монтаж ишларининг бажарилиши иш ҳажмларининг ва ишлатиладиган материаллар тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилади.
12	Объектни молиялаштириш тартиби	Бўнак – 30 % ; қолган 70 % маблағлар бажарилан иш ҳажмларини хужжатлаштирилгандан кейин тўлов ишлари амалга оширилади.
13	Пудратчига техник ва бошқа хужжатларни топшириш бўйича талаблар	Барча қурилиш монтаж ишлари лойиҳа смета хужжатларига асосан бажарилади.